

Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигида 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун ҳужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши лойиҳаси

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича Давлат дастурларини ўз вақтида амалга ошириш

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасига тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориб, йўлбоп битум маҳсулотини тендер савдоларисиз етказиб бериш учун танлов асосида шартномалар тузишга рухсат бериш:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг “Ўзйўлбутлаш” Республика таъминот бошқармаси унитар корхонасини шартнома бўйича харидор сифатида белгилаш назарда тутилмоқда.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган ҳужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар

5. Ҳужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари – автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш фаолиятини олиб боровчи тадбиркорлик субъектлари;

давлат органлари гуруҳи – Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитаси, “Ўзйўлбутлаш” Республика таъминот бошқармаси унитар корхонаси, “Умумий фойдаланувдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси” давлат унитар корхонаси ва “Худудий автомобиль йўллари буюртмачиларга хизмат кўрсатиш” давлат унитар корхонаси;

бошқа иштирокчилар гуруҳи муносабатлари – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ.

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш

тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Фармойиш лойиҳасининг 1-бандида истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасига тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориб, йўлбоп битум маҳсулотини тендер савдоларисиз етказиб бериш учун танлов асосида шартномалар тузишга рухсат берилиши;

ушбу шартнома бўйича харидор Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг “Ўзйўлбутлаш” Республика таъминот бошқармаси унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Ўзйўлбутлаш” РТБ УК) ҳисобланиши кўрсатилган.

6.2. Фармойиш лойиҳасининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига:

тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра тузилган импорт шартномаларидаги йўлбоп битумининг нархининг объективлиги ва босқичма-босқич етказиб бериш кафолатини белгиланган тартибда экспертизасини таъминлаш топширилган;

импорт қилинган йўлбоп битумнинг нархи экспорт божи товар келиб чиққан мамлакатда ўзгартирилганда ёки мавжуд бўлган бозор шароитларига қараб кўтарилиши ёки тушишига қараб қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Ҳужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Фармойиш лойиҳасининг 1-бандида истисно тариқасида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасига тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориб, йўлбоп битум маҳсулотини тендер савдоларисиз етказиб бериш учун танлов асосида шартномалар тузишга рухсат берилиши;

ушбу шартнома бўйича харидор Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобил йўллари қўмитасининг “Ўзйўлбутлаш” Республика таъминот бошқармаси унитар корхонаси (кейинги ўринларда “Ўзйўлбутлаш” РТБ УК) ҳисобланиши кўрсатилган.

7.2. Фармойиш лойиҳасининг 2-бандида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига:

тўғридан-тўғри музокаралар натижаларига кўра тузилган импорт шартномаларидаги йўлбоп битумининг нархининг объективлиги ва босқичма-босқич етказиб бериш кафолатини белгиланган тартибда экспертизасини таъминлаш топширилган;

импорт қилинган йўлбоп битумнинг нархи экспорт божи товар келиб чиққан мамлакатда ўзгартирилганда ёки мавжуд бўлган бозор шароитларига қараб кўтарилиши ёки тушишига қараб қайта кўриб чиқилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши

бўйича ҳаракатлар стратегияси”да **иктисодиётда давлат иштирокини камайтириш**, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, **кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттириш** кўрсатилган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасига мувофиқ Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади**.

Шунингдек, **давлат бошқаруви органлари**, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, **рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи** ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи **ҳаракатларига йўл қўйилмаслиги** қатъий белгиланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида ҳамда барча иштирокчилар учун тенг шароит яратиш учун тендер ўтказмасдан фақат давлат унитар корхонасига имтиёзлар (устунлик ҳуқуқи) берилиши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб,

биринчидан, мазкур бозорда (автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш) давлат унитар корхонасига бошқа субъектларга нисбатан имтиёзли шарт-шароитлар яратиш мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабабли фармойиш лойиҳасини концептуал жиҳатдан қайта кўриб чиқиш;

иккинчидан, фармойиш лойиҳасида қуйидагиларни назарда тутиш:

йўлбоп битумини харид қилиш (шу жумладан, импорт) жараёнида барча тадбиркорлик субъектларига тенг шароитлар яратиш;

шу соҳа (автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш) билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари фаолиятини кенгайтириш учун кўмаклашиш.

Ушбуларни инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси Фармойиши лойиҳасини кўрсатилган таклифлар асосида **ўзгартирилгандан сўнг қабул қилиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади**.